

5-22-2018

Production of food and nutrition and analysis of export expansion dynamics in Uzbekistan

K. M. SHODMANKULOV

Tashkent State Agrarian University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/agrarxabarnomasi>

Recommended Citation

SHODMANKULOV, K. M. (2018) "Production of food and nutrition and analysis of export expansion dynamics in Uzbekistan," *Bulletin of the Agrarian Science of Uzbekistan*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 16. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/agrarxabarnomasi/vol2018/iss1/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of the Agrarian Science of Uzbekistan by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЎЎК: 333+63+33

ШОДМОНҚУЛОВ К. М.

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида мевазор боғлар яратиш ва эскиларини реконструкция қилиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, интенсив боғлар барпо этиш, янги токзорлар яратиш ва эскиларини реконструкция қилиш каби йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши истиқболда республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжи ва қайта ишлаш саноати эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш билан бир қаторда, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини мунтазам ошириб бориш ва жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллашга замин яратади.

Мева-сабзавотчилик Ўзбекистон учун жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувни ва валюта тушумини таъминлаб берувчи етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар. *Экспорт, талаб, ялпи ички маҳсулот, бандлик, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар, озиқ-овқат хавфсизлиги, интенсив боғлар, жаҳон бозори.*

КИРИШ

Ўзбекистон аграр соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш асосида республикамиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Ушбу мақсадга эришишда агросаноат мужмуида етакчи соҳа ҳисобланган қишлоқ хўжалиги фаолиятини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИЯТИ

Тадқиқот объекти сифатида Республикада қишлоқ хўжалиги олинган. Тадқиқот услубияти бўлиб эса таққослаш усули олинди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиё-тининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё ва нефтькимё, озиқа-ем саноати ва уруғчилик каби бир қатор тармоқлар маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқданган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да[1] қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича куйидаги вазифаларга асосий эътибор қаратилган:

- пахта ва бошоқли дон экин майдонларини қисқартириш эвазига картошка, сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар, янги интенсив боғлар ва узумзорлар майдонини кенгайтириш ва оптималлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида озиқ-овқат ва қадоклаш маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган замонавий қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирри-гация объектларини ривожлантириш, тармоққа интенсив, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнология-ларни жорий этиш, унумдорлиги юқори техникалардан фойдаланиш;


- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжалик-ларини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, сотиш, агрохимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалиги экинларининг касаллик ва зараркундаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мос янги селекция навларини ва юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ҳамда жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида ўтган 2000-2016 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ошиб бориш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ҳисоблаганда 2000-2016 йилларда ўртача 6 %дан юқори бўлди. Кейинги йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2000 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 30,1 % га тенг бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 16,8 % бўлган (1-расм). Бу ҳолат мамлакатимизда саноатнинг индустриал тармоқлари ҳамда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар натижалари билан изоҳланади.



1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, (фоизда)[8].

2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,6 фоизга, деҳқончилик маҳсулотлари – 6,9 фоизга, чорвачилик маҳсулотлари – 7,0 фоизга ўсди.

Аграр тармоқ 2016 йилда республикамиздаги ишлаб чиқаришда банд аҳолининг 27,5 % ини иш ўринлари билан таъминлади. Тармоқнинг мамлакат учун юқори аҳамиятга эгаллиги туфайли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласига аълоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги салмоғининг пасайиб бориши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб боришини аниқлатмайди. Аксинча, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати жорий нархларда 2000 йилдаги 1387,2 млрд. сўмдан 2016 йилда 48431,1 млрд. сўмга ёки абсолют кўрсаткичда 34,9 мартага ўсган. Бу ҳолат мамлакатимизда саноатнинг индустриал тармоқларини жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар ва туб иқтисодий ислохотлар натижалари билан изоҳланади.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожини, тизимли равишда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда

кулай инвестиция муҳити 2017 йилда иқтисодий ривожланишнинг янада юксакроқ мақсадли кўрсаткичларини белгилаш имконини беради (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси 2016 йилнинг январь–декабр ҳолатида иқтисодий ривожланишнинг кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Кўшимча ўсиш, олдинги йилга нисбатан, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	107.8
Саноат маҳсулоти	106.0
Қишлоқ хўжалиги	106.6
Асосий капиталга инвестициялар	109.6
Ташқи савдо айланмаси, шу жумладан	99.4
Экспорт	98,5
Импорт	100.3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қумитаси маълумотлари

Жадвалдан кўринадики, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот 107.8 фоизга, саноат маҳсулотларини 106,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 106.6 фоизга ошган, асосий капиталга инвестициялар 109.6 фоиз киритилган.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Экспортчи корхоналар фаолиятини яхшилаш борасида кўрилатган чоралар ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқувчи экспортчи корхоналар сафининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобига ошиши, мамлакатда бизнес юритиш учун қулай муҳит яратилишига хизмат қилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 2016 йил 7 апрелдаги қарори билан «Ўзбек озиқ овқат холдинг» компанияси таркибида янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича тузилган «Ўзагро экспорт» махсус ташқи савдо компанияси йил ҳисоботини тақдим этди.

2016 йил якунларига кўра, Ўзбекистон корхоналари томонидан 818,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари (2015 йилга нисбатан 38,3 фоизга кўпроқ), жумладан, сабзавотлар – 242,1 минг т (29,6 фоиз), мевалар – 229,6 минг т (28 фоиз), полиз экинлари – 6,8 минг т (0,8 фоиз), узум – 96,2 минг т (11,7 фоиз), дуккакли маҳсулотлар – 120,2 минг т (14,7 фоиз) ва қуритилган маҳсулотлар 124,5 минг т (15,2 фоиз) миқдорида экспорт қилинган.

Компания сайтида маълум қилинишича, ўтган 2016 йилда 65 турдаги маҳсулот экспорт қилинган. Экспортнинг асосий ҳажми гилос (14,4 фоиз), майиз (12,8 фоиз), ўрик (7,63 фоиз), узум (7,57 фоиз), мош (6,91 фоиз), помидор (6,86 фоиз), ловия (6,51 фоиз), кўкат (5,65 фоиз), шафтоли (нектарин) (4,11 фоиз) ва хурмо (3,96 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Маҳсулотлар дунёнинг 43 мамлакатига экспорт қилинган. Ўтган 2016 йилда Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлар қаторига 9 та янги мамлакат қўшилган, Испания ва Италияга илк марта консерваланган қовун, Ливанга – ёнғоқ, Вьетнамга – майиз, Бельгияга – қуритилган мевалар, Швейцарияга – узум ва қовун, Нидерландияга – туршак, Исроилга – майиз, Чехияга – узум ва қуритилган мевалар етказиб берилган. Ўзбекистон дунёнинг йирик экспортчилари қаторига кириб, жаҳонда 48-ўринни эгаллаган.

Шу билан бир қаторда, экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида Ҳиндистон, Германия, Польша, Латвия, БАА ва Беларусда савдо уйлари очиш бўйича ишлар якунланмоқда. 2017 йил охиригача бу савдо уйлари рўйхатдан ўтказилиб, ўз фаолиятини бошлайди. 2017 йилда 1,27 млн тонна мева-сабзавотчилик маҳсулотлари экспорт қилиш прогноз қилинмоқда.

Мева-сабзавотчилик – Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Мева-сабзавотчилик Ўзбекистон учун жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувни ва валюта тушумини таъминлаб берувчи тармоқлардан бири ҳисобланади.

Республикада 2010-2016 йиллар давомида қарийб 80 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 34 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 33 минг гектарда узумзорлар яратилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди.


Бундай боғларнинг кўплаб афзалликларга эга экани бугунги кунда амалда намоён бўлмоқда. Мисол учун, оддий мевали дарахт экилганидан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунига қадар одатда 4-5 йил ўтади.

Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. Замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва фермерларни юкори унум билан ишлайдиган кишлок хўжалиги техникаси билан таъминлаш ҳисобидан кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларга ўтиш ушбу соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришда энг муҳим йўналиш ҳисобланади[3]”.

Амалга оширилган ишлар натижасида йилдан-йилга мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш ва сифатли меваларни экспорт қилиш имконини яратади.

Замонавий агротехнологиялар асосида юкори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра 2011-2016 йиллар давомида боғдорчиликда янги агротехнологиялар асосида 31 308 гектар юкори ҳосил берадиган пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар яратилган (2-расм).



2-расм. 2011-2016 йилларда пакана ва ярим пакана интенсив мевали боғлар барпо этиш кўрсаткичлари[10]

Республикамызда мева-сабзавот ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Аграр ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида асосий турдаги кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра биргина 2015 йилда кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтирилган 19216 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, уларнинг 2365 таси интенсив боғлар, 2015 таси янги токзорлар, 2660 таси боғларни реконструкция қилиш, 558 таси иссиқхоналар яратиш, 181 таси музлаткичли омборхоналар қуриш ва 247 таси маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасида ташкил этилган (3-жадвал).

2-жадвал

Республикада 2014-2015 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури доирасида мева-сабзавотчиликда амалга оширилган лойиҳалар.

Турлари	Лойиҳалар сони		Ўл-чов бир-лиги	Лойиҳаларни амалга ошириш		Жами талаб этилган маблағ, млн. сўм	
	2014 йил	2015 йил		2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил
Интенсив боғлар	607	2365	га	5580	9816	126645	248517
Янги токзорлар	1977	2015	га	9035	9880	57245	94217
Боғ реконструкция	1505	2660	га	4138	12255	16725,4	43658
Ток реконструкция	1663	1165	га	6086	7462	18133	23475

Иссиқхоналар (фермер хўжалигида)	751	558	га	422	297	94431	88658
Иссиқхоналар (деҳқон хўжалигида)	10691	10025	га	218,1	154	29871	27208
Музлаткичли омборхоналар	216	181	тонна	103555	102970	109101	146224
Қайта ишлашни ташкил этиш	326	247	тонна	222112	318048	183080,3	235563
Жами	17736	19216				635231	907697


Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши истиқболда республикаимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжи ва қайта ишлаш саноати эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш билан бир қаторда, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини мунтазам ошириб бориш ва жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллашга замин яратади.

Истиқболда мева-сабзавотлар ва полиз маҳсулотларининг ички истеъмолдан ортиқ қисмини тўғридан-тўғри ёки қайта ишланган ҳолда экспортга чиқариш Ўзбекистон учун жаҳон бозорларида катта имкониятлар очиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига қараганда 2000-2015 йиллар давомида мамлакатимизда буғдой ишлаб чиқариш 2,1, картошка 3,7, сабзавотлар 3,8, полиз 4,1, мевалар 3,5 ва узум 2,5 мартага ошган (3-расм).

Таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтирмоқда. Қуйидаги жадвалда 2005-2015 йилларда республикада мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш ҳажми ва даражаси динамикасини кўриш мумкин.



3-расм. Республика бўйича асосий турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси, минг тоннада

Юқоридаги расмдан 2015 йилда республикада сабзавот маҳсулотлари ҳажми ва даражаси энг юқорилигини кўриш мумкин. 2000 йилда эса республикада полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажми энг пастлигини кўриш мумкин.

3-жадвал


2005-2015 йилларда республикада мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш ҳажми ва даражаси динамикаси

Кўрсаткичлар	2005 йил	2007 йил	2009 йил	2011 йил	2013 йил	2015 йил
Мевалар:						
Қайта ишлаш ҳажми, минг тонна	201,7	165,9	293,5	333,1	445,8	570,4
Қайта ишлаш даражаси, %да	21,2	13,1	19,0	17,7	18,9	21,1
Сабзавотлар:						
Қайта ишлаш ҳажми, минг тонна	308,1	634,0	679,6	778,6	1252,2	1528,7
Қайта ишлаш даражаси, %да	8,8	13,6	11,9	11,2	14,5	16,0

Узум:						
Қайта ишлаш ҳажми, минг тонна	192,5	191,1	231,2	252,2	305,1	383,2
Қайта ишлаш даражаси, %да	30,0	21,7	25,7	23,1	23,6	25,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси маълумотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни кенгайтириш борасида амалга оширилган мақсадли дастурлар натижасида 2005-2015 йиллар давомида қайта ишлаш ҳажми меваларда 201,7 мингдан 570,4 минг тоннага (2,8 мартага), сабзавотларда 308,1 минг тоннадан 1 528,7 минг тоннага (5,0 мартага) ва узумда 192,5 минг тоннадан 383,2 минг тоннага (2,0 мартага) ошди (3-жадвал).



4-расм. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилдаги ҳудудий экспорт дастури бажарилиши кўрсаткичлари.

Республикада мева-узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспортга чиқариш соҳаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотларига қараганда 2015 йилда ҳудудий экспорт дастурининг ижроси 2 887,2 млн. долларни ташкил этган бўлса, экспорт таркибининг 1 117,9 млн. доллари ёки 38,7 фоизини мева-сабзавотлар ҳамда 507,8 млн. доллари ёки 17,6 фоизини саноат маҳсулотлари ташкил этган (4-расм).

Кейинги йилларда жаҳон бозорларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда.

Жанубий Корея Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига йиллик талаб 33386,3 млн. АҚШ долларини, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб эса 25285,1 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Худди шунингдек, Россия Федерациясида ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига йиллик талаб ҳажми юқори эканини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда республикада мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмини оширишда қуйидагилар муҳим саналади:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш, қадоқлаш, бирламчи қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланувчи корхоналарга янада кўпроқ қулайликлар яратиш.

Республикада таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириши мумкин.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Халқ сўзи 2017 йил 1-2 бетлар.
2. И.Каримов “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи 2014 йил 18 январь 1-2 бетлар.
3. И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. – Т.: Ўзбекистон, Халқ сўзи 2015 йил январь 1-2 бетлар.
4. «Худудий "Мева-сабзавот" бирлашмалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2000 йил 11 ноябр. №394 11-12 бетлар
5. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. 2007г. 107-109 бетлар.
6. Махамадиева У.М. Деҳқон-фермер хўжалигининг иқтисоди ва уни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – Т.: 1998. -52 б.
7. Отабоев М., Эшонкулов А. Ўзбекистоннинг мева-сабзавот комплекси: муаммо, тажриба ва ечимлар. -Т.: Меҳнат, 1991. - 112 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари.
9. «Ўзбек озиқ овқат холдинг» компанияси маълумотлари.
10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.
11. www.stat.uz
12. www.region.uz

ШОДМОНКУЛОВ К. М.**Производство продовольствия и питания в Узбекистане анализ динамики экспорта**

В целях увеличения производства плодовоовощной продукции в нашей стране реализуются такие масштабные инвестиционные проекты, как создание декоративных садов и реконструкция старых, переработка фруктов и овощей, интенсивные сады, новые виноградники и реконструкция старых.

Реализация таких мероприятий позволит удовлетворить потребности населения республики в отечественных продуктах питания и перерабатывающей промышленности, а также регулярно увеличивать экспорт плодовоовощной продукции и занять прочное место на мировых рынках.

Фруктово-овощное хозяйство является одним из ведущих секторов интеграции Узбекистана в мировые аграрные и продовольственные рынки, а также валютные поступления.

SHODMANKULOV K. M.**Production of food and nutrition and analysis of export expansion dynamics in Uzbekistan**

In order to increase the production of fruit and vegetable products, such large-scale investment projects as the creation of ornamental gardens and the reconstruction of old, processing of fruits and vegetables, intensive gardens, new vineyards and the reconstruction of old ones are being implemented in our country. The implementation of such measures will meet the needs of the republic's population in domestic food and processing industry, and regularly increase the export of fruits and vegetables and to take a firm place in the world markets.

Fruit and vegetable farming is one of the leading sectors of Uzbekistan's integration into the world's agrarian and food markets, as well as foreign exchange earnings.